

**Кредит сўндирмаслик қалтислигидан
суғурталаш шартномаси № 4602/138/**

Термез шахри

25 январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 25 апрелдаги СФ серияли 00214сонли Лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, куйида «Суғурталовчи» деб аталувчи **“GROSS суғурта компанияси” АЖ** номидан 2021 йил 01-декабрдаги 293-сонли Ишончнома сонли Ишончнома асосида иш юритувчи Филиал директори Ходжаев А.З., бир томондан ва куйида «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи ЖАРКУРГОН Т., АТ ХАЛК БАНКИ ЖАРКУРГОН ФИЛИАЛИ филиали номидан Ишончнома асосида иш юритувчи ХАЙТКУЛОВ С , иккинчи томондан биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, ушбу Кредит сўнгдирилмаслик қалтислигидан суғурталаш шартномасини (матнда – Суғурта шартномаси) куйидагилар ҳақида туздилар:

1-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ушбу Суғурта шартномаси предмети бўлиб, ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган Кредит шартномаси бўйича кредитни суғурталаш ҳисобланади.
- 1.2. Суғурта объекти бўлиб кредитни Қарздор сўнгдириш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги натижасида Суғурта қилдирувчининг кредит шартномаси бўйича юзага келган зиёнлар билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади.
- 1.3. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва Қарздор Суғурта қилдирувчига тақдим этилган ҳужжатлар ва Ариза-сўровномадаги ва ҳар қандай иловалардаги маълумотлар ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини, шунингдек ишончли ва ҳақиқатга тўғри келувчи маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Ушбу Суғурта шартномасида фойдаланилган куйидаги атамалар куйидаги маъноларга эга:

- 2.1. **Кредит шартномаси** – фуқаровий-ҳуқуқий шартнома бўлиб, унга мувофиқ Суғурта қилдирувчи Қарздорга ушбу Суғурта шартномасининг Декларациясида кўрсатилган Кредит шартномасида назарда тутилган миқдор ва шартларда пул маблағларини (кредитни) тақдим этиш мажбуриятини, Қарздор эса олинган пул маблағларини ўз вақтида қайтариш ва у учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.
- 2.2. **Суғурта полиси** – Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти / суғурта бадалининг биринчи/навбатдаги қисми тўлангандан кейин бериладиган ва Суғурталовчининг ушбу Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
- 2.3. **Суғурта пули** – кредитнинг асосий қисмига тенг бўлиб, суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчининг ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятлари ҳажмининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари миқдоридир. Қарздор кредит миқдорини (асосий қарзни) сўнгдириб бориши билан суғурта пули суғурта муддати мобайнида (асосий қарзнинг тўланган/сўнгдирилган миқдориди) камайиб боради.
- 2.4. **Суғурта ҳодисаси** – юзага келиши билан Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлаш мажбуриятини келтириб чиқарадиган ҳақиқатда содир бўлган воқеа.
- 2.5. **Кутиш даври** – ушбу Суғурта шартномасининг Декларациясида кўрсатилган давр бўлиб, у тугаши билан суғурта ҳодисаси содир бўлган ҳисобланади. Кутиш даври, кўрсатилган воқеалардан қайси бири аввал содир бўлишидан келиб чиқиб, Кредит шартномасида кўрсатилган кредитни сўнгдириш муддати тўлиқ тугагандан кейинги куни ёки Суғурта қилдирувчи зиён кўриши эҳтимоли юзага келган куни бошланади.
- 2.6. **Қарздорнинг банкротлиги** – Суғурта муддати/Кутиш даври мобайнида хўжалик суди томонидан Қарздор Суғурта қилдирувчининг ва бошқа кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришга қобилиятсизлигини тан олинishi.
- 2.7. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчига етказилган зиённи суғурта пули чегарасида қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари.
- 2.8. **Суғурта мукофоти (суғурта бадали)** – ушбу Суғурта шартномаси билан келишилган тартиб ва муддатда Суғурта қилдирувчи/Қарздор Суғурталовчига суғурта учун тўлаши шарт бўлган тўлов.
- 2.9. **Суғурта шартномаси муддати** – суғурта шартномаси амалда бўладиган давр.
- 2.10. **Суғурта шартномаси** – суғурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу Шартнома билан келишилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан

қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.11. **Суғурта қилдирувчи зиён кўриши эҳтимоли** – Суғурта қилдирувчи зиён кўриши эҳтимоли бўлиб кредит шартномаси билан бевосита боғлиқ бўлган, кредитнинг тўлиқ муддати тугаганда суғурта ҳодисасига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай шарт-шароит ҳисобланади (Қарздорнинг кредитни тўлашга қобилиятсизлиги, молиявий ҳолатининг ёмонлашиши ва ш.к.).

2.12. **Кредитнинг мақсадли мўлжалланиши** – Қарздор томонидан кредит маблағларидан Кредит шартномаси/Бизнес режа/ТИА ва Кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларда келтирилган мақсадларда фойдаланилиши.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Суғурта ҳодисаси – бу суғурта даврида содир бўлган, Қарз олувчининг Кредит шартномаси бўйича асосий қарзи тўлиқ миқдори ёки бир қисмини кредит шартномасида белгиланган миқдорларда ва муддатларда тўлаш бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги пул мажбуриятини қуйидагилар натижасида бажара олмаслиги сабабли, Суғурта қилдирувчига зарар етказилишига олиб келган воқеа:

- Қарз олувчи – юридик шахснинг банкротлиги;

- Қарз олувчи – жисмоний шахс умумий меҳнат қобилиятини доимий равишда тўлиқ йўқотиши (Қарз олувчига нисбатан I гуруҳ ногиронлигининг белгиланиши) ёки унинг ўлими.

3.2. Қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди ва тегишлича суғурта товони таркибига киритилмайди:

а) кредит миқдорига ҳисобланадиган ҳар қандай фоизлар, пенялар, жарималар, неустойкалар, олинмай қолган фойда ёки наф, банк комиссияси ва бошқалар, Қарздор томонидан кредитнинг (асосий қарзнинг) сўнгдирилмаган қисми бундан мустасно;

б) қуйидагиларнинг тўғридан-тўғри ёки билвосита юзага келган Суғурта қилдирувчининг зиёни:

1) Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакиллари томонидан Кредит шартномасини расмийлаштиришда/кредит беришда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик;

2) Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакиллари томонидан кредит мажбуриятлари бажарилмаслиги;

3) валюталар курсининг ўзгариши.

4-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1 Ушбу Шартнома бўйича суғурта пули **1 740 500 000.00 (Бир миллиард етти юз кирк миллион беш юз минг) сумни** ташкил этади.

4.2. Суғурта мукофоти **26 194 000,00 (Йигирма олти миллион бир юз туксон турт минг) сумни** ташкил этади.

4.2.1, Суғурта мукофоти (ёки унинг биринчи қисми) суғурта шартномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда тўланиши шарт.

4.3. Ушбу Шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Ушбу Суғурта шартномаси суғурта мукофоти ёки унинг биринчи бадалини ўз вақтида тўланиши шarti билан уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган муддат давомида амалда бўлади.

5.2. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми ўз вақтида тўланмаган тақдирда ушбу Суғурта шартномаси келишилган суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган муддат давомида амалда бўлади. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланган пайт бўлиб пул маблағларини Суғурталовчининг ёки унинг Суғурта агентининг банкдаги ҳисоб рақамига тўланган кун ҳисобланади.

5.3. Ушбу шартнома билан келишилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

5.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти (ёки суғурта бадаллари) тўлиқ ҳажмида тўланган кундан бошлаб 3 иш кун ичида берилади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда Суғурта полиси суғурта мукофотига мутаносиб бўлган суғурта муддати учун берилади.

5.5. Агар Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини тўланган бўлса, бундай тўлов миқдоридан қатъий назар, Суғурта мукофоти қайтарилмайди.

5.6. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

- унинг амал қилиш муддатининг тугаши;

- Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ҳажмида бажарса;



**КРЕДИТ СЎНДИРМАСЛИК
ҚАЛТИСЛИГИДАН СУҒУРТАЛАШ
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**
(юридик ва жисмоний шахслар учун)

FK-138/K14
3 - бет 8 дан
01.12.2021 йил

- Суғурта қилдирувчи фаолияти тугатилса, Суғурта қилдирувчини қайта ташкил этилганлиги (қўшилиш, сотиб олинishi ва ш.к.) муносабати билан суғурта шартномасида алмаштирилиши ҳолатлари бундан мустасно;

- Суғурта қилдирувчини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб тан олинishi;

- Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилса;

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

6-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.1.1. Суғурта шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида суғурта масалалари юзасидан бепул маслаҳатлар олиши;

6.1.2. олинган кредит Суғурта шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида сўнгдирилганда, Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этиши.

6.2. Қарздорнинг ҳуқуқлари:

6.2.1. Суғурталовчида гаровга қўйилган мол-мулкни ва кредит маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкни Кредит шартномаси амал қилиши муддатига алоҳида тўлов эвазига суғурталаш;

6.2.2. Суғурта шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида суғурта масалалари юзасидан бепул маслаҳатлар олиши.

6.3. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасида келишилган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;

6.3.2. суғурта ҳодисаси содир бўлишини олдини олиш, кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш учун барча чораларни кўриши;

6.3.3. Суғурталовчига Кредит шартномаси шартлари ўзгариши эҳтимоли ҳақида, шу жумладан кредит мажбуриятидаги ўзгаришлар ҳақида хабар бериши;

6.3.4. Қарздор томонидан Кредит шартномаси бўйича қарздорликни сўнгдириш жадвали бузилиши ҳақида ёки кредит маблағлари мўлжалланган мақсадларда фойдаланмаслиги ҳолатлари аниқланганлиги ҳақида хабар қилиши;

6.3.5. кредитдан фойдаланишни мониторинг қилиш санасигача бу ҳақда Суғурталовчини хабардор қилиши ва унинг вакили мониторингда иштирок этиши имкониятини тақдим этиши;

6.3.6. Суғурталовчининг сўровига кўра Кредит шартномаси/Бизнес режа/ТИА лойиҳасини, Кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларни амалга ошириш/ижросини мониторинг қилиш, шунингдек суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва тасилотларини аниқлаш учун зарур маълумотлар ёки ахборотларни тақдим этиши;

6.3.7. юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бу ҳақда Суғурталовчига 5 алендарь кунидан кечиктирмай хабар бериши.

6.4. Қарздорнинг мажбуриятлари:

6.4.1. Кредит шартномаси бўйича олинган кредит маблағларини Бизнес режа/ТИА/Кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларда кўрсатилган мақсадларда фойдаланиши;

6.4.2. Суғурталовчига Суғурта шартномасини тузаётганда хабар қилинган шарт-шароитлардаги ўзига маълум муҳим ўзгаришлар ҳақида Суғурталовчига ёзма хабар қилиши, хусусан:

а) Бизнес режа/ТИА/Кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларда кўрсатилган лойиҳа ижросининг муддатлари бузилиши;

б) ҳисобот чораги мобайнида Қарздорнинг фойдаси камайиши;

в) Кредит шартномасига мувофиқ битим, молиялаштириш шартлари ўзгариши;

г) Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлари бажарилишига таъсир этиши мумкин бўлган Қарздорнинг ишлаб чиқариш фаолияти тугатилиши ёки тўхтатилиши;

д) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 (икки юз) баробари миқдорида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик/кредиторлик қарзи юзага келиши;

е) Қарздорнинг ишлаб чиқариш фаолияти ўрнатилган тартибда тўхтатилиши;

ж) давлат идоралари томонидан Қарздорга нисбатан молийвий жазо чоралари қўлланилиши;

з) Қарздорнинг келгуси қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши;

и) гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ундириш чораси кўрилиши ва ш.к.;

к) ушбу Суғурта шартномасининг Декларациясида кўрсатилган кредитнинг қайтишини таъминлаш ҳисобига тақдим этилган бошқа таъминотнинг (мол-мулк, кафолат, кафиллик ва ш.к.) тугатилиши ёки унга

зарар этиши;

6.4.3. Суғурталовчининг сўровига кўра Кредит шартномаси/Бизнес режа/ТИА лойиҳасини, Кредит шартномасига тааллуқли бошқа ҳужжатларни амалга ошириш/ижросини мониторинг қилиш, шунингдек суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва тасилотларини аниқлаш учун зарур маълумотлар ёки ахборотларни тақдим этиши;

6.4.4. Суғурталовчи талаб қилиши мумкин бўлган зарарлар сабаблари ва миқдорига тааллуқли, етарли далилларни тақдим этиши;

6.4.5. Суғурталовчига суброгация ва регресс тартибида ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур барча ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиши ва барча маълумотларни хабар қилиши;

6.4.6. юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бу ҳақда ўзгариш санасидан бошлаб 5 календарь кунидан кечиктирмай хабар қилиши;

6.4.7. Кредит шартномаси бўйича гаров предмети бўлган мол-мулкка нисбатан ундириш чоралари қўллansa, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш шартларини дастлаб келишиши, хусусан мол-мулк сотиладиган қийматни келишиб олиши;

6.4.8. Қарздорга нисбатан уни банкрот деб тан олиниши тўғрисида суд жараёни бошланса, Суғурталовчини ишда учинчи шахс сифатида иштирок этишга таклиф этиши.

6.5. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

6.5.1. Суғурта шартномаси амалда бўлган муддат мобайнида Суғурта қилдирувчи билан биргаликда мониторингда иштирок этиши, ҳужжатлар ва Қарздорнинг хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини текшириши ва Кредит шартномасида молиялаштириши назарда тутилган битимларга тегишли маълумотларни талаб қилиши;

6.5.2. суғурта қалтислиги ошишига олиб келган ҳолатлар юзага келганда Суғурта шартномасининг шартларини ўзгаришини италаб қилиши ёки қалтислик ошишига мос равишда кўшимча суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиши;

6.5.3. агар Суғурта қилдирувчи ушбу Шартноманинг 6.5.2-бандига асосан ушбу Суғурта шартномасининг шартлари мантиқан тўғри ўзгаришига ёки кўшимча суғурта мукофоти тўланишига қарши бўлса, ушбу Суғурта шартномасини бекор қилинишини талаб қилиши;

6.5.4. Қарздор/Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда Суғурта шартномасини бир томонлама бекор қилиши;

6.5.5. агар суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги юзасидан Суғурта қилдирувчи ёки Қарздорнинг вакилларига нисбатан жиноий иш қўзғатилса, иш судда ҳал бўлгунга қадар суғурта товони тўлови масаласини кўриб чиқишни қолдириши.

6.6. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

6.6.1. Суғурта қилдирувчи/Қарздорга суғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар бериши;

6.6.2. Суғурта полисини ушбу Суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда бериши;

6.6.3. суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчига ушбу Суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва миқдорда суғурта товонини тўлаши;

6.6.4. Суғурта қилдирувчи ва унинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, ошкор қилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

6.7. Ушбу Суғурта шартномасининг 6.3. ва 6.4 - бандлари ижросига тааллуқли барча хабарлар / сўровларга жавоблар / маълум ҳаракатларни келишиш дарҳол, лекин сўров олинган/Суғурта шартномасини тузаётганда хабар қилинган шарт-шароитларида муҳим ўзгаришлар аниқланган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай амалга оширилиши шарт.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Суғурталовчига тегишли пул маблағларини тўлаш муддатларига амал қилинмаган тақдирда Суғурталовчининг талабига кўра томон ҳар бир кечиктирилган кун учун қарзнинг 0,1 (ноль бутун ўндан бир) фоизи миқдоридан, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10 (ўн) фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.2. Суғурта товони тўлови муддатларига амал қилинмаган тақдирда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг талабига мувофиқ ҳар бир кечиктирилган кун учун қарз миқдорининг 0,1 (ноль бутун ўндан бир) фоизи миқдоридан, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10 (ўн) фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ

8.1. Суғурта товони Суғурта қилдирувчига Қарздор томонидан кредитнинг асосий сўнгдирилмаган қисмида, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади. Суғурта товони миқдори ҳақиқатда олинган кредит миқдори ва кредитнинг гаров ёки бошқа турдаги таъминот билан таъминланган қисми ўртасидаги фарқдан кредитнинг асосий қисмини сўнгдириш учун йўналтирилган пул



**КРЕДИТ СЎНДИРМАСЛИК
ҚАЛТИСЛИГИДАН СУҒУРТАЛАШ
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ
(юридик ва жисмоний шахслар учун)**

маблағларини айириб (чегириб) қолган ҳолда аниқланади.

8.2. Ушбу Суғурта шартномасининг 3.1 - бандида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда Суғурта қилдирувчи / Қарздор:

- Суғурталовчига дарҳол, лекин бундай ҳолат юзага келганлиги аниқланган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай воқеа содир бўлганлиги тўғрисида ариза бериши,

- шунингдек Суғурталовчига зиён содир бўлганлигини ва миқдорини аниқлаш имконини берувчи ҳужжатларни (Суғурта қилдирувчи ва Қарздор ўртасида кредитни сўнгдирилиши бўйича тузилган, амалга оширилган тўловлар миқдори ҳақидаги солиштирма далолатномалар нусхалари, Қарздор кредитни сўнгдириш учун пул маблағлари ўтказиш ҳақида тўлов топшириқномалари нусхалари, Қарздорнинг охириги ҳисобот давридаги балансининг солиқ инспекцияси қабул қилган нусхаси, жорий санада Қарздорнинг ҳисоб рақамидаги маблағлар сальдоси тўғрисида банк маълумотномаси, кредит шартномаси амал қилган муддатда маблағлар ҳаракати тўғрисида кўчирмалар, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳужжатлар, Қарздорнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда банкрот бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, Қарздор меҳнат қобилятини йўқотганини, унга ногиронлик белгиланганини ёки унинг ўлимини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаларини, ва Суғурталовчи талаб қилган бошқа ҳужжатларни) тақдим этиши шарт.

Қарздор Суғурта қилдирувчига Суғурталовчи талаб қилаётган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишда кўмаклашиши шарт.

8.3. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи тақдим этган ҳужжатлар асосида суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тан олган тақдирда Суғурталовчи томонидан 5 (беш) кун ичида Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, унда олинган барча маълумотлар кўрсатилади ва тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори белгиланади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи вакиллари иштирокида расмийлаштирилади.

8.4. Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлови Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзолангандан сўнг 10 (ўн) кун ичида амалга оширилади. Суғурта товони тўлови куни бўлиб Суғурталовчининг банк рақамидан пул маблағлари ўтказилган кун ҳисобланади.

8.5. Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига суғурта товони тўлови рад этилган тақдирда у ушбу Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ аризани ва барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб 15 (ўн) беш кун ичида рад этиш сабаблари асосланган ёзма билдиришнома йўллади.

9-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

9.1. Қуйидаги ҳолатлар ушбу Суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси бўлиб ҳисобланмайди ва Суғурталовчи суғурта товони тўламайди:

а) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи Суғурта шартномасини тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилишига асос бўладиган маълумотларни тақдим этмаган ҳолда суғурта қалтислиги ҳақида ҳукм чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга тавсилотлар ҳақида нотўғри маълумотларни тақдим этса;

б) агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчининг ёки Қарздорнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига йўналтирилган қасддан қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида содир бўлса, Суғурта қилдирувчи, Қарздор ёки учинчи шахсларнинг ўз фуқаролик бурчи ёки Суғурта қилдирувчи, Қарздор ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, номуси ва шаънини ҳимоя қилиш ҳолатлари бундан мустаном;

в) агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчинини суғурта ҳодисаси тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаса;

г) агар Суғурта қилдирувчи/Қарздор ушбу Суғурта шартномасининг шартларини бузса;

д) агар Суғурта қилдирувчи/Қарздор суғурта ҳодисаси сабаблари ва тавсилотларини, шунингдек зарар миқдорини аниқлашда Суғурталовчи иштирок этишига тўсқинлик қилса;

е) Суғурта қилдирувчининг айби билан Суғурталовчи суброгация тартибида талаб қўйиш имконияти бўлмайд қолса;

ж) кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳужжатлар тақдим этилмаса: тўлов топшириқномалари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар, ҳисоб-фактуралар, товар олинганлиги ҳақида юк ҳужжатлари ва ш.к.;

з) Қарздор томонидан ЎзР амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, лицензия чақиртириб олинишига сабаб бўлган белгиланган стандартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар бузилишига йўл қўйилиши, мутасадди идоралар томонидан Қарздорнинг ишлаб чиқариш/савдо фаолияти ман этилиши натижасида Қарздор Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслиги;

и) Суғурта қилдирувчи томонидан кредит маблағларидан фойдаланиш устидан назорат йўқлиги ёки Қарздор кредит маблағларини мақсадли фойдаланмаслиги;

к) гаров таъминоти ва/ёки бошқа турдаги таъминот кредит бўйича асосий қарзнинг қолдиқ қисмига нисбатан олганда етарли ёки ундан ошса, ёки Қарздор (ёки унинг кафили, кафолатчиси, гаровга қўювчи) томонидан бўйича кредит шартномаси ёки Суғурта қилдирувчининг кредит қўмитаси йиғилиши баёнида

келтирилган Кредит шартномаси бошқа таъминот қўймаслиги (ўз вақтида қўймаслиги);

л) Қарздорнинг контрганетлари ёки ҳамкорларининг тўловга қобилиятсизлиги, банкротлиги ёки ҳар қандай мажбуриятни бажармаслиги.

9.2. Суғурта қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

а) Кредит шартномаси бўйича неустойка, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар, суд харажатлари;

б) кредитни қуйидагилардан келиб чиққан сўнгидирмаслик ҳолатлари:

- Қарздор томонидан кредитдан тўлиқ ёки қисман мақсадли фойдаланилмаса;

- Қарздор томонидан дебиторлик қарзларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириш чоралари кўрилмаса;

- Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда Суғурталовчининг дастлаб розилигисиз Қарздорни мол-мулкдан маҳрум қилиши.

в) Қарздор молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) қонун ҳужжатларда белгиланган муддатларда устав жамғармасини шакллантирмаганлиги сабабли тугатилиши.

10-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР

10.1. Суғурта шартномаси муддатидан аввал томонлардан бирининг ёзма аризасига биноан бекор қилиниши мумкин. Ушбу Шартномани муддатидан аввал бекор қилиш учун барча тарафларнинг ёзма розилиги бўлиши шарт. Суғурта шартномаси уни бекор қилиш ҳақидаги келишув битими имзоланган кундан кейинги кунда бекор бўлган ҳисобланади.

10.2. Мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи айби сабабли бекор қилиниши талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига тўлиқ қайтарилади.

10.3. Ушбу Шартноманинг 10.2. бандида кўрсатилган важдан бошқа сабаб билан Шартнома Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи талабига кўра бекор қилинганда, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

Агарда мазкур Суғурта шартномаси амалда бўлиш даврида муқаддам суғурта товони тўланган бўлса ёки бундай тўлов амалга оширилиши лозим бўлса, бундай вазиятда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

10.4. Мазкур суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи айби сабабли бекор қилиниши талаб қилинган тақдирда, тўланган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчига қайтарилмайди.

10.5. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

а) Амал қилиши муддати тугаганда;

б) Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи олдидаги ўз мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажарганда;

г) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида келтирилган бошқа ҳолатларда.

11-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР

11.1. Агар суғурта ҳодисаси қуйидагилар натижасида содир бўлса, Суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади: ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш; ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ва бошқа ҳарбий тадбирлар; мол-мулкни давлат идоралари топшириғига кўра мол-мулкнинг олиб қўйилиши, мусадара, реквизиция қилиниши, ҳибсга олиниши ёки йўқотилиши.

12-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ ВА РЕГРЕСС

12.1. Суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига тўланган маблағ чегарасида Суғурта қилдирувчининг ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ қопланган зиён етишида айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи ўтади. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиши ҳамда маълумотларни хабар қилиши шарт. Агар суғурта товони тўланадиган кунда Қарздор тўловга қобилиятсиз (ёки банкрот) деб тан олинган бўлса, Суғурталовчининг суброгация ҳуқуқи бўйича талаблари ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Суғурталовчини кредиторлар реестрига киритиш орқали қондирилади.

12.2. Агар Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи қопланган зиёнлар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса, ёки Суғурта қилдирувчининг айби билан бу ҳуқуқни амалга оширишнинг имкони бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмига нисбатан озод бўлади ва тўланган суғурта товони қайтарлишини талаб қилишга ҳақли.

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Суғурта шартномасининг шартлари томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. Суғурта шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади.

13.2. Ушбу Суғурта шартномасининг шартлари ўзгартирилган тақдирда мажбуриятлар Суғурта шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги ёзма келишувда келишилган сандан бошлаб ўзгарган ҳисобланади.

13.3. Ушбу Суғурта шартномаси ҳар бир томонда бир нусхадан сақланувчи ва бир хил юридик кучга эга 3 (уч) нусхада тузилди.



**КРЕДИТ СЎНДИРМАСЛИК
ҚАЛТИСЛИГИДАН СУҒУРТАЛАШ
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ
(юридик ва жисмоний шахслар учун)**

FK-138/K14

7 - бет 8 дан
01.12.2021 йил

13.4. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга топшириш Томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширишига йўл қўйилмайди.

13.5. Ушбу Суғурта шартномасида келтирилмаган ҳолатлар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Хўжалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

13.6. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи конфиденциаллик бўйича жавобгардирлар ва ушбу Суғурта шартномаси, иловалар ва Суғурта шартномаси билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмунини тегишли томоннинг дастлабки ёзма розилигисиз учинчи томонга ошкор қилмайдилар.

13.7. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча баҳслар ва келишмовчиликлар музокаралар орқали, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида ҳал этилади.

13.8. Суғурта шартномаси бўйича томонлар, шунингдек ҳар бир томоннинг вакиллари ёки ходимлари ушбу Суғурта шартномасига тааллуқли фирма ва конфиденциал ахборотни ҳар бир томоннинг ёзма розилигисиз ошкор қилмайди.

13.9. Ушбу Суғурта шартномаси 3 (уч) нусхада ўзбек тилида тузилиб, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Қарздорда бир нусхадан сақланади ва бир хил юридик кучга эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

Суғурталовчи

**«GROSS сугурта компанияси» АЖ
“Жайхун” Сугурта Маркази**

Манзил: Термез шаҳри

тел.: +998 91 971 12-21

факс: 376 224 07 86

ҳ/р: 20208000804944157054

Банк В ЧАБ "ТРАСТБАНК" ТЕРМЕЗСКИЙ
ФИЛИАЛ

Банк коди 01063

СТИР 207135501

ХХТУТ 65120

Суғурта қилдирувчи

АТ “Халк Банк” Жаркургон филиали

Манзил: СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ,
ЖАРКУРГОН ТУМАНИ

І АХУНБОБОЕВ 1

тел.: +998 (76) 224-07-86

ҳ/р: 16103000300000749001

Банк ДЖАРКУРГАНСКИЙ ФИЛИАЛ
НАРОДНОГО БАНКА

Банк коди 00749

СТИР 200488463

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Филиал директори
Ходжаев А.З.



м.ў.

ХАЙТКУЛОВ С

м.ў.

АТ Халк банкидан Хар бир оила давлат дастури асосида ажратилган кредитлар руйхати

шартнома №	Ф.И.О	хр	ажратилган кредит сумма	сугурта суммаси	Таъриф (%)	сугурта пули	ажратилган	туғаш муддати
4602/138/2079	Ёкубова Гулхайр Боймурат Кизи	14921	25 000 000,00	25 000 000,00	0,50	450 000,00	25.11.2021	24.11.2024
4602/138/2083	Муратова Фотима назар кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	18.11.2021	17.11.2024
4602/138/2087	Ибрагимов Олим Юсупович	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	18.11.2021	17.11.2024
4602/138/2088	Кадирова Нарзихол Нармаматовна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	29.11.2021	28.11.2024
4602/138/2090	Салимов Сардор Абдусалом угли	14921	24 000 000,00	24 000 000,00	0,50	360 000,00	25.11.2021	24.11.2024
4602/138/2093	Иброхимов давлатбек Нормунин угли	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2094	авазова Ноила Исмоил кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2095	Буриева Севара Абдухалил кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2096	Бурханов Музаффар Мирзаевич	14921	24 000 000,00	24 000 000,00	0,50	360 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2099	Зиёева Мухайё Ниматулла кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2104	Юлдашов Холбай Хушбакович	14921	19 000 000,00	19 000 000,00	0,50	285 000,00	09.12.2021	08.12.2024
4602/138/2105	Юсупова Феруза Жуманазаровна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2113	Чориев Уткирбек Алибаевич	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	16.12.2021	15.12.2024
4602/138/2114	Абдурашидова Наргиза Астудлаевна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	07.10.2021	06.10.2024
4602/138/2115	Рахимов Гайрат Нуркабилевич	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	07.12.2021	06.12.2024
4602/138/2116	Хайтова Гуландон Абдусоат кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	10.12.2021	11.12.2024
4602/138/2117	турсунов Акром Норбоевич	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	14.12.2021	13.12.2024
4602/138/2118	хужаназаров Шаймардон тухта угли	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	13.12.2021	13.12.2024
4602/138/2119	Хужакулова Хилола Бойбуриевна	14921	20 000 000,00	20 000 000,00	0,50	300 000,00	14.12.2021	13.12.2024
4602/138/2120	Бурханова раима Хушбаковна	14921	24 000 000,00	24 000 000,00	0,50	360 000,00	06.12.2021	05.12.2024
4602/138/2121	Караматова Сурайё шерали кизи	14921	12 000 000,00	12 000 000,00	0,50	180 000,00	17.12.2021	05.12.2024
4602/138/2122	Зулпикарова мухаббат Шербаевна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	18.12.2021	17.12.2021
4602/138/2123	жавлиева Юлдуз Уктам кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	18.12.2021	17.12.2021
4602/138/2124	темирова Дилноза Янгибаевна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	20.12.2021	19.12.2024
4602/138/2128	Курбонова Юлдуз Курбаназаровна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	15.12.2021	14.12.2024
4602/138/2129	Уганов Рахматулла Ашурович	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	15.12.2021	14.12.2024
4602/138/2132	Каршиева Зарнигора Тухтамишовна	14921	25 000 000,00	25 000 000,00	0,50	375 000,00	15.12.21	14.12.24
4602/138/2133	Шайманов Урол Абдулочин угли	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	20.12.21	19.12.24
4602/138/2134	Бобоева Лайло Ураовна	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	21.12.21	20.12.24
4602/138/2135	Тураев Баходир Авазович	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	21.12.21	20.12.24
4602/138/2136	Бозорова Феруза Норбута кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	21.12.21	20.12.24
4602/138/2137	Боймуродова Мохира Абдусаттор кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	21.12.21	20.12.24
4602/138/2138	Абдумуратова Зебинисо Шойдул кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	21.12.21	20.12.24
4602/138/2139	Салимова Сарвиноз Абдусалом кизи	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	23.12.21	22.12.21
4602/138/2140	Караматова Гавхар Шерали кизи	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	23.12.21	22.12.21
4602/138/2141	Рахманов Элар Джуревич	14921	23 000 000,00	28 750 000,00	0,50	432 000,00	23.12.21	22.12.21
4602/138/2142	Назаров Искандар Исмаилович	14921	30 000 000,00	30 000 000,00	0,50	450 000,00	23.12.2021	22.12.2024
4602/138/2147	Хайтов Тошмир Тайбуриевич	14921	20 000 000,00	25 000 000,00	0,50	375 000,00	09.12.2021	08.12.2024
4602/138/2148	рахматов мусурмон раҳманкулович	14921	25 000 000,00	31 250 000,00	0,50	469 000,00	23.12.2021	22.12.2024
4602/138/2149	Худайбердиева Насиба Нурмаматовна	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	565 000,00	29.12.2021	26.12.2024
4602/138/2150	Халмуратов Сирожиддин рустамович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2151	Чакканов Шакир Хасанович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2152	Эргашов Дониёр Холиёрович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2153	суюндикова Нилуфар Абдувайтовна	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2154	Эргашев Холияр Кулахматович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2155	Туляганова машира курбановна	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2156	Умаров маматали Турдимуратович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	28.12.2021	27.12.2024
4602/138/2157	мамаюсупов Кахрамон Иргашевич	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	27.12.2021	26.12.2024
4602/138/2158	Сахатов Намоз Абдуфайз угли	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	28.12.2021	27.12.2024
4602/138/2159	Хидиров Аскаралли Юсуфалиевич	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	28.12.2021	27.12.2024
4602/138/2160	марданакулов Абдилаиз Сахатович	14921	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	28.12.2021	27.12.2024
4602/138/2161	рузиева Муборак Эшмурод кизи	14921	25 000 000,00	31 250 000,00	0,50	469 000,00	21.12.2021	20.12.2024
4602/138/2163	Бобомуротов Бахтиёр Уролович	14922	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	14.01.2022	13.01.2025
4602/138/2164	Джумаев Эркин Исмаилович	14923	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	14.01.2022	13.01.2025
4602/138/2165	Хужанов Атабек Эшбуриевич	14924	30 000 000,00	37 500 000,00	0,50	563 000,00	14.01.2022	13.01.2025
4602/138/2167	Холмунинова Назира Саидкул кизи	14925	33 000 000,00	41 250 000,00	0,50	619 000,00	17.01.2022	16.01.2025
			1 589 000 000,00	1 740 500 000,00			26 194 000,00	

**«GROSS сугурта компанияси» АЖ
“Жайхун” Сугурта Маркази**

**Манзил: Термиз ш., Шукрона к., 23В
тел.: +998 98 272-12-21, 91 971-12-21
х/р: 20208000104944157244
АТБ «Транст банк» Термиз филиали
Банк коди: 001063, СТИР: 207 135 501**

директори Хождаев А.З.

АТ Халк банк Жаркургон филиали

**Манзил: Жаркургон тумани Улугбек
махалласи Охунбобоев кучаси 5-уй
ХР 1610300040000749001
Банк коди 00749
СТИР 200488463**

Банк бошқарувчиси С.С.Хайткулов